

БЕДИЛХОНЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ТАЪСИРИ

Ойниса Мухаммадиева

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар
факультети “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7394301>

Аннотация. Ушбу мақолада ўрта асрнинг буюк файфласуф- шоири Мирзо Абдулқодир Бедил ижоди ва Марказий Осиёда юзага келган “бедилхонлик” анъаналарининг ёшлар маънавий камолотига таъсири ёритилган.

Калит сўзлар: Мирзо Бедил, бедилхонлик, навоийхонлик, маънавият, маърифат, тарбия, камолот.

БЕДИЛХАНСКИЕ ТРАДИЦИИ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ДУХОВНОЕ РАЗВИТИЕ МОЛОДЕЖИ

Аннотация. В данной статье освещается творчество великого философа-поэта Средневековья Мирзы Абдулкадира Бедилья и влияние традиций «бедил-хана» возникших в Средней Азии на духовную зрелость молодежи.

Ключевые слова: Мирза Бедиль, бедильхан, навоихан, духовность, просвещение, образование, зрелость.

BEDILKHAN TRADITIONS AND THEIR INFLUENCE ON THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF YOUTH

Abstract. This article describes the work of the great philosopher-poet Mirza Abdulkadir Bedil of the Middle Ages and the impact of the "Bedilkhan" traditions that arose in Central Asia on the spiritual maturity of young people.

Keywords: Mirza Bedil, bedilkhan, navaikhan, spirituality, enlightenment, education, maturity.

Миллий юксалиш сари қадам қўйган Ўзбекистонда бугунги кунда тараққий топган давлатларнинг техника, технология ютуқларини ўрганиш ва уларни ҳаётимизга кенг тадбиқ этиш баробарида, миллий кадриятларимиз, миллий таълим-тарбиямиз илдизларига ҳам жиддий эътибор қаратаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки, айни вақтда глобаллашган дунёнинг ёзилмаган қонуни шуни кўрсатмоқдаки, биргин моддий неъматларни ишлаб чиқариш, инсонларнинг иқтисодий фаровонлигини ошириш билан жамиятнинг том маънодаги барқарорлиги, хавфсизлиги, рухий-маънавий кудратини таъминлаб бўлмайди. Бу муаммо бугун дунёнинг барча минтақаларида ўз аксини топмоқда. Фарб давлатларида ҳам, Шарқ давлатларида ҳам ҳозирги долзарб муаммолардан бири бу инсон маънавияти, инсоннинг рухий оламидаги ўзгаришлар, десак муборлага бўлмайди. Дарҳақиқат, ижтимоий тармоқларда жоҳиллик, қотиллик, гиёҳвандлик “Оммавий маданият” каби турли кўринишдаги маънавий-мафкуравий таҳдидлар тафаккурида маънавий бўшлиқ бўлган ҳар қандай инсонни ўз домига тормоқда. Бу гирдобга аксарият ҳолларда ҳали мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларнинг тушиб қолиши барчани ташвишга солади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида

тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш - ўта шарафли вазифадир”.

Ёшларни ахлоқий фазилатлар руҳида камол топтиришда аввало, буюк адилларимиз, файласуф-шоирларимизнинг дидактик асарлари, ғазал ва рубоийларини кўпроқ мутолаа қилишга ўргатиш барча зиёлиларнинг масъулиятли бурчидир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нуфузли халқаро ташкилотлар ва Республика миқёсидаги чиқишларида, мурожаатларида ҳар бир инсоннинг фарвонлиги, ҳаётдан рози бўлиб яшашига ҳақли эканлигини айтиши билан бирга, ёшларнинг таълим тарбияси, фуқароларимизнинг китобхонликка меҳр-муҳаббатини ошириш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганишга даъват этиб келмоқда. Бу даъват шунчаки айтилиш билан чекланмай, балки ўзлари бу борада халқимизга ибрат намунаси бўлмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19-сентябрда БМТнинг 72 Сессиясида: “Бугунги сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман” – дея, ташкилотга аъзо барча давлатларнинг раҳбарлари эътиборини маърифат ва диний бағрикенглик ғоясини қўллаб-қувватлашга чақирди. Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил, 28-декабрдаги мурожаатномасида “Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари **“Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаи берилади”** деган ҳадис билан бошланишида албатта жуда чуқур маъно бор” – деган фикрни келтирган бўлса, худди шу мурожаатномада “Буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратлари **“Муваффақиятни – саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса – лоқайдлик ва дангасалиқда кўрдим”**, деб бежиз айтмаганлар” – деган фикрлари бунга яққол мисолдир.

Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган байрам тантанасидаги маърузасида, “Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: **“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”**, деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман”- дейди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ғояларда буюк мутафаккирларимиз Алишер Навоий, Абу Наср Форобий, Абдулла Авлоний, Амир Темур, Мотрудий, Имом Бухорийларнинг ҳикматларидан келтирилган иқтибослар халқимизни, ёшларимизни буюк донишмандларимиз асарларини ўқиб ўрганишда ибрат намунаси бўлмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Миллий юксалишнинг маънавий асосини ёш авлоднинг маънавий камолоти билан боғлиқ ҳолда кўриб, бу борада халқимизнинг, буюк аждодларимизнинг бой бадий-фалсафий асарларини ёшларга ўргатиш вазифасини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан келтирилган куйидаги фикр мазкур масаланинг қанчалик долзарблигини яна бир бор англатади: : “Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, кадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, менинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини

белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”

Яқин тарихимизга назар ташласак, Марказий Осиё минтақасида XVIII –XIX асрларда шеърят, бадиий адабиёт орқали инсон маънавий камолотига эътибор муҳим роль ўйнаган. Бу даврда зиёлилар орасида “Навоийхонлик”, “Бедилхонлик” каби кечалар ташкил этиш ва манашундай шеърят кечаларида буюк шоир ва файласфулар асарларининг маънолари таҳлил қилинган. Бундай шеърхонлик кечалари ёшларни кенг фикрлашга, уларнинг маънавий камолотини ўстиришга ижобий таъсир кўрсатган.

“Миллий юксалиш” ғоясининг марказида эзгулик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, адолатпарварлик каби тамойиллар ётар экан, уларнинг моҳиятини англаб етишнинг янгича усуллари сифатида фалсафий таълимотларга мурожаат қилиш, буюк ал-ломаларимизнинг ҳикматли ўғитларидан ўринли фойдаланиш, жумладан, "Навоийхонлик", "Бедилхонлик" каби адабий-маърифий анъаналарни қайта тиклаш ҳам айна замонда долзарблик касб этади. Чунки мутафаккир алломаларимизнинг фалсафий таълимотлари, бадиий асарларида инсон ҳаётининг моҳияти, умр мазмуни, ватанга садоқат, имон-эътиқод, сабр-қаноат, адолат, меҳр-мурувват каби қадриятлар илгари сурилганки, уларни ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш орқали ёшларнинг маънавий тафаккуридаги бўшлиқни тўлдириш мумкин бўлади. Шу ўринда "Бедилхонлик" анъанасининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида сўз юритмоқчимиз.

XVII-XVIII асрда Ҳиндистонда яшаб ижод этган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ота-боболари Шаҳрисабзлик, бизнинг юрт-дошларимиз бўлишган. Файласуф-шоир Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижодиёти ниҳоятда серқирра бўлиб, бой фалсафий маънолари билан ажралиб туради. Ҳар қандай ўқувчи ҳам Бедил шеърларини ўқиб, ундаги маъноларга тезда тушуниб етавермайди. Бедил шеърятининг маъноларини чақиш учун авваллари юртимизда махсус бедилхонлик кечалари ўтказилган. Бедил байтларини ўқиб, ўқувчиларга унинг маъносини тушунтириб берувчилар - «бедилхон»лар деб аталган. XIX асрда Бедил шеърлари асосида мушоира-баҳслар, мунозара кечалари юртимизда тез-тез ўтказилиб турилган.

Жадидчилик ҳаракатининг етук намоёнчаси, маърифатпарвар шоир ва адиб Абдурауф Фитрат Бедил ҳақида шундай дейди: "Бедил - Шаркнинг энг буюк шоири, улуғ файласуфидир. Бедил кўп муҳим, теран масалаларни тушуниб, тушунганларини ечмоқ истаган мутафаккир бир адибдир. Унинг сўзларида биз учун унумли кўп фикрлар бор. Бироқ Бедил бу фикрларни сўзлаганда сўз ўйинларига берилади. Шуниси ҳам борки, Бедилнинг мажоз, истиора каби сўз ўйинлари кўп шоирларимизда кўрилганидек, жумлани безатмоқ, сўзга адабий бир тус бермоқ каби хизматлари билан қолмайди. Булар Бедилнинг фикр билдиришларига ёрдам қилади. У йигирма сўз билан айтадиган фикрни мажоз, истиора ёрдами билан ўн сўзга айтиб битиради". Фитрат таъкидлашича, Бухоро жадидларининг фалсафий қарашларига маълум маънода Бедил фалсафаси асос бўлгандир.

Бедилнинг ўзи "Тўрт унсур" асарида шундай дейди: "Агар Бедил китобидан ҳеч бўлмаганда бир нуқтани тушуна олсанг, қолган китобларни ўтда ёқишинг мумкин. Юрак қонила шу даражада тушунмоқлик учун юзлаб бўстонларни унутилиш бўронига от".

Бедилнинг ўзига хос бадиий услуби бор. Унинг асарларида ўта нозик ташбеҳлар ва айниқса киноя, истиоралар тез-тез учрайди. У ўз фикрларини очиқ-ойдин айтмайди,

асарларида китобхоннинг ақлу заковатига фаҳму-фаросатига кўпроқ таянади. Кўп ҳолларда эътиборли ижтимоий масалаларни ифода этмоқ учун ҳаётдаги маълум воқеаларни кўздан яшириш билан қаноатланади, буни қалб кўзи ила кўриш, ҳис қилишни китобхоннинг ўзига ҳавола қилади:

Ҳар бир рамз сен билан менда, эй инсон,
Нозикфаҳмларга бу сирлар аён.
Ёқуб димоғидек нигоҳ пайдо қилсанг,
Кўйлак исларида Юсуф намоён.

Яъни Юсуф ва Зулайҳо афсонасидаги Ёқуб алайҳисалом ўғли Юсуфнинг кўйлак ҳиди ор-қали жигарбандини ҳис қила олгани каби, нозикфаҳм шеърхон ҳам кичик бир ишорадан улкан бир фалсафий фикрни англаб ола билмоғи керак. Шу йўсинда, Бедил ўз асарлари юзига парда тортади, ундаги ҳақиқий маъноларни барча ҳам дарҳол кўриб, пайқаб олол-майди. Шунинг учун ҳам Бедил асарларини ўқиб, уни китобхонларга тушунтириб берувчи “Бедилхонлар” майдонга келдилар.

Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Чорсу маҳалласида боғбон оиласида тугилган шоир, таржимон ва ношир Саййид Ҳайбатуллоҳхўжа Хислат томонидан 1914-1915 йилларда тузилган "Тухфаи Хислат" баёзида (Баёз - шоирларнинг дуч келган асарлари жамланмай, балки чуқур мулоҳаза билан тартиб берилиб, турли дунёқарашдаги, турли бадий тайёргарликка эга бўлган ўқувчиларнинг талаблари ҳисобга олинган шеърлар тўплами) бедилхонлик ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Унда таъкидланишича, бедилхонлик суҳбатларида қатнашган Ҳофизхон ўғли Азизхон шундай дейди: "Зиёлилар орасида бедилхонлик энг олий суҳбатлардан ҳисобланарди. Агар бошқа бир шаҳар ёки ўзга юртлардан бирор машҳур бедилхон келганлигини эшитиб қолинса, билимдонлар ўша одам қатнашган суҳбатда бўлишга интилар эдилар. Эсимда, 20-йиллари Қозондан Мусо Жоруллоҳ исмли олим келиб, бедилхонлик мажлисларида ғолиб чиқа бошлади. Чорсуда Мухторхон исмли машҳур бедилхон яшар эди. Уни Мусо Жоруллоҳ қатнашган бир суҳбатга таклиф қилган эканлар. Суҳбатда Бедилнинг бир байтидан Мухторхон ўн икки маъно топибди. Шунда қозонлик меҳмон унга тан бериб, бу айтилган маъноларнинг ярми унга янги эканлигини, аммо булардан ташқари яна етти маъно ҳам бор эканлигини баён қилган. Демак, улар иккаласи бир байтдан ўн тўққиз маъно топишган экан".

Бедил шеърляти инсонларни тарбиялаш билан чекланиб қолмайди, балки чуқур фалсафий мушоҳада этишга, мустақил фикр юритишга ҳам чорлайди. Бедил ўз рубоийларида кишиларни ақл-идрок билан иш тутишга, идрок билан қилинган иш ҳамиша кишиларни яхшиликка етаклашига, шунингдек, ёмон феъл, ёмон хулқ-атвордан узоқлашиш орқали илмли, пок инсон бўлишга чақиради:

Киши табиати фош этса идрок,
Фақат яхшиликка этар иштирок.
Илмдан бебаҳра қолади таъби,
Бад феълидан кечиб бўлолмаса пок.

Жамиятимиз илгари сураётган ғоянинг асосий мақсадларидан бири ҳам ёшларимизда мустақил тафаккурни шакллантиришдир. Бу йўлдаги яна бир имконият, интернет тизимидан кенгрок фойдаланиш, ижтимоий тармоқларда Мирзо Бедил

рубойлари, ғазалларидан намуналар бериб бориш орқали ёшларни Бедил ижодига ошино қилиш мумкин.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Ўзбекистон республикаси Президенти Олий мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28-декабрь. 3-жилд, Ўзбекистон, 2019.20-бет.
2. Мирзиёев Ш. . Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Т., Ўзбекистон, 2017, -Б 32
3. Muhammadiyeva, O. M. (2022). Knowledge of God and divine truth in the view of Bedil. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(6), 35-39.
4. Oynisa Mustafaqulovna Muhammadiyeva (2021). CHARACTERISTICS OF PHILOSOPHICAL AND SPIRITUAL VIEWS IN THE WORK OF MIRZA ABDULQADIR BEDIL. *Academic research in educational sciences*, 2 (10), 1259-1265.
5. Oynisa, M. (2019). Mirzo Bedils views about human and its essence. *European science review*, 1(1-2), 173-174.
6. Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. -Т., 1974.
7. Аллаёрова, С. Н. (2017). Герменевтика. *Ўқув қўлланма*.
8. Мўминов И. Философский взгляды Мирзы Бедия. –Т., 1957, С.39.
9. Ойниса Мухаммадиева. Бедил ва ахлоқий қадриятлар фалсафаси. -Т., 2016.
10. Саййид Ҳайбатуллоҳ Хўжа Хислат. Тухфаи Хислат. -Т., Нур, 1992.
11. Фитрат. Бедил. Т., 1996, -Б.45